



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2020 йил 28 февраль, № 43 (7545)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА КАСБГА ТАЙЁРЛАШ ОРҚАЛИ КАМБАҒАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 27 февраль куни тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Маълумки, ҳар қандай мамлакатда аҳолининг кам таъминланган қатлами мавжуд. Ўзбекистонда ҳам одамларнинг муайян қисми етарли даромад манбаига эга эмас.

Халқимиз фаровонлигини ошириш мақсадида "Хар бир оила — тадбиркор", "Ёшлар — келажакимиз", "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла", томоркани ривожлантириш каби дастурлар қабул қилинди. Кейинги икки йил давомида биргина оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида бюджетдан қариб 10 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Албатта, бу аҳоли бандлигини таъминлаш, оилалар учун даромад манбаи яратишга хизмат қилди.

Камбағаллик юртимизда кўп йиллар "ёпиқ мавзу" бўлиб келди. Жорий йил 24 январь куни давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу ҳақда оқиш-оқидин гапирди ва тарихимизда биринчи марта камбағалликни қисқартириш устувор вазифа сифатида белгилади.

Видеоселектор йиғилишида шу борадаги ишларни тизимли ташкил этиш масалаларни муҳокама қилинди.

— **Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 12 — 15 фоиз ёки 4-5 миллион аҳолимиз камбағал. Бу уларнинг бир кунлик даромади 10 — 13 минг сўмдан ошмапти, дегани. Ёки бир оилادا машина ҳам, чорва ҳам бўлиши мумкин, лекин бир киши оғир касал бўлса, оила даромадининг камида 70 фоизи ури даволатига кетади. Ҳўш, бундай оилани ўзига тўқ дейиш мумкинми? Президент сифатида мени одамларимизнинг овқатланиши, даволаниши, болаларни ўқитиши, кийинтириши каби ҳаётий эҳтиёжлари нима бўлапти, деган савол ҳар кунни кийнайтиди, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш борасидаги ишларни самарали амалга ошириш мақсадида Президентнинг 2020 йил 18 февралдаги Фармони ҳамда қарорига мувофиқ, Маҳалла ва оилани қўллаб-қув-

ватлаш вазирлиги ташкил этилди. Маҳалла — туман (шаҳар) — вилоят — республика даражасида тадбиркорликни ривожлантириш ва камбағалликни камайитиришга маъсул лавозимлар жорий қилиниб, вертикал тизим яратилди.

Шунингдек, кўчи кеча Бош вазирнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими ҳамда ҳукуматда алоҳида котибият ташкил этилди.

— **Камбағалликни камайитириш ойлук ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ётпасига кредит бериш, дегани эмас. Бунинг учун, энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини ўйғотиш, инфратузилмани яхшилаш, фарзандларини ўқитиш, сифатли даволаниш, манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак, — деди давлатимиз раҳбари.**

Шу мақсадда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар билан камбағалликка қарши курашишнинг ўрта ва узоқ муددатли стратегияси ишлаб чиқилмоқда.

Йиғилишда, аввало, ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят даражасидаги ҳақиқий шароит ва аҳолини таъмин қилиш кераклиги қайд этилди. Бунинг учун, биринчи йўналишда камбағалликка оид реал аҳоли, яъни маҳалалардаги даромади кам оилалар сони ҳақида маълумот йиғилиши, иккинчи йўналишда туман ва шаҳарнинг салоҳияти, табиий ресурслари, ер ва инфратузилма имкониятлари харита-сүзүлиши белгиланди.

— **Одамларнинг меҳнат қилиб, бои бўлиши ва яхши ҳаёт кечирishi учун барча шароитларни яратишимиз зарур, — деди Президент.**

Қайд этилганидек, тадбиркорлик яхши ривожланган ва аҳоли эътиборига эришган ҳудудлар атрофида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ва бўш турган ер майдонларида кичик саноат зоналари ташкил этилади. Зарур ин-

фратузилма яратиш учун Кичик саноат зоналарини бошқариш дирекцияларига бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилади. Улардаги ер участкалари тадбиркорларга бозор қийматида эгаллик ҳуқуқи билан сотилади. Ушбу лойиҳа ўзини оқласа, иккинчи ярим йилликка яна қўшимча 150 миллиард сўм ажратилади.

Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига ҳокимлар билан биргаликда янги кичик саноат зоналари учун бўш ер майдонларини аниқлаб, инфратузилма билан таъминлаш вазифаси юклатилди.

Фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни камбағал аҳолига ажратиб бериш, зарур жойларда артезиан ва қудуқлар қазийш бўйича топшириқ берилди.

Аҳолини тадбиркорликка ўргатиш, касбий малакасини ошириш орқали камбағалликни камайитириш энг асосий масала ҳисобланади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда расман иш билан банд бўлмаган 1 миллион 400 мингга яқин аёллар ва ёшлар бор. Хотин-қизлар ўртасида ишсизлик даражаси 13 фоиз, ёшларда эса 15 фоизни ташкил этмоқда. Фарғона, Самарқанд, Андижон, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида бу кўрсаткич юқори.

Шу билан бирга, бугунги кунда қурилишда 104 минг, коммунал соҳада 71 минг, хизмат кўрсатиш соҳасида 68 минг, энгил саноатда 46 минг нафар мутахассисга эҳтиёж ҳисобланади.

Йиғилишда шу каби талаб бор жойларга малакали мутахассислар етказиб бериш, бандликни таъминлаш учун ҳар бир ҳудудда ишсиз аҳолини тадбиркорликка ўқитиш курслари ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Ўқиб яқини бўйича Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги томонидан танлов эълон қилиниб, энг илгор лойиҳа учун "стартап"га 20 миллион сўм маъмурий грант ажратилади. Ҳокимлар ҳам маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан илгор тадбиркорлик лойиҳаларига грантлар беради.

Касбга ўқиш истагини билдирган ёлғиз аёллар ва кўп фарзандли аёллар, ишсизлар учун кундалик ҳаётда эҳтиёж юқори бўлган ҳунарлар, хусус-

сан, тикувчилик, пазандалик, сарта-рошлик ва бошқа йўналишларда касбга ўргатиш курслари ташкил этилади. Бунинг учун маҳалла идоралари ёки ҳудуддаги бинолардан жой ажратилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланади.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги "Маҳалла гузарларида касбга ўқитиш дастури"ни ишлаб чиқиб, талабдорлар рўйхатини шакллантириш бўйича топшириқ берилди.

Қатор ҳудудларда касбга ўқитиш борасидаги ишлар кескин танқид қилинди. Жумладан, Қорақалпоғистоннинг 11 туманида, Бухоро ва Тошкент вилоятларида 9 тадан, Сурхондарёнинг 7, Жиззахнинг 5 туманида бирорта ҳам бундай марказлар йўқлиги қайд этилди.

Касбга тайёрлаш марказларини ташкил этишга нодавлат ташкилотларни фаол жалб қилиш, улар ўртасида энг яхши касбга тайёрлаш ўқув дастури бўйича танлов ўтказиб, голибларга Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан грант ажратилиш бўйича топшириқлар берилди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига ҳар бир ҳудудда "Ишга марҳамат" моно-марказлари ҳамда касбга тайёрлаш марказлари ташкил этиб, ишсизларга касбий билим ва кўникмалар, шунингдек, эҳтиёжга қараб хорижий тилларни ҳам ўргатиш вазифаси юклатилди.

Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасидаги маблағларнинг 70 фоизи камбағал аҳолига иш ўрни яратишни назарда тутувчи кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларига йўналтирилиши белгиланди. Шунингдек, камбағал кишини ишга олган корхоналарга банк кредитлари бўйича қулайликлар берилиши қайд этилди.

Ахборот технологиялари соҳаси бир томондан бизнесга кўмаклашувчи во-сита, иккинчи томондан бизнеснинг алоҳида йўналишидир. Шу боис ўзини ўзи банд қилишни хоҳловчиларга тушунарли бўлган интерактив мобил иловалар, барча саволларга жавоб берадиган "бизнес навигатор"лар яратиш зарур.

Савдо-саноат палатаси, Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожланти-

риш агентлигига тижорат банклари билан бирга содда тилда тайёр бизнес лойиҳалар ишлаб чиқиб, одамларга тақдир этиш бўйича кўрсатма берилди. Бу бизнес лойиҳаларда харажат ва даромад билан боғлиқ барча ҳисоб-китоблар, ишлаб чиқариш қувватлари, маҳсулот миқдори каби масалалар "ипидан-игнасиғача" аниқ бўлади.

Ушбу лойиҳалар ҳақида жойлардаги мулоқотлар, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали аҳолининг барча қатламига маълумот етказиш кераклиги қайд этилди.

Савдо-кўнгулчор марказларни кўпайтириш ҳамда кучма савдони ривожлантириш, бу борадаги орқича чекловларни олиб ташлаш бўйича тақлифлар билдирилди.

Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Бизнес-омбудсман, Савдо-саноат палатаси ҳамда Бош вазир қабулхоналари билан бирга тадбиркор ўртасидаги "кўприк" вазифасини бажариши, тадбиркорлик ташаббусларининг амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиши шартлиги таъкидланди.

Жорий йил 1 мартдан бошлаб иқтисодий комплекс идоралари фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш тизими ҳамда Ҳудудларда тадбиркорликни ривожланиши индекси жорий этилмоқда. Аҳоли ўртасида очик ва яширин сўровлар ўтказиш орқали уларнинг иқтисодий комплекс ташкилотларига бўлган муносабати ўрганиб борилади. Натيجаларга қараб, муайян ҳудуддаги иқтисодий комплекс раҳбарлари фаолияти "намунали", "яхши", "қоникарли" ва "қоникарсиз" деб топилди. Ижобий баҳоланганлар рағбатлантирилади ва паст баҳо олганларга жазо чоралари қўрилади.

Баҳолаш натижалари бир йилда икки марта Олий Мажлис палаталари, халқ депутатлари вилоят Кенгашларида ва ҳукуматда муҳокама қилинади.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди, тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ў.А.

## Янги Ўзбекистон — янги парламент

### ЖАДАЛ ИСЛОҲОТЛАРГА МОС ҚОНУНЛАР Кўриб чиқилади

Бугун Сенатнинг иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади. Унда мамлакатимиз иқтисодий, ижтимоий тараққиётига оид бир неча долзарб масалалар муҳокама қилиниши кутилмоқда. Бундан ташқари, сенаторлар Вазирилар Маҳкамасига кундалик ҳаётимизда учраётган бир қатор муаммолар юзасидан парламент сўровини юборишга оид масалаларни ҳам кўриб чиқади.

Кеча юқори палата кўмиталари йиғилишида қонунлар ва парламент сўровлари дастлабки тарзда ўрганиб чиқилди.

### Ҳисоб палатаси вакилларининг сиёсий партияларга аъзолиги чекланади

Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси йиғилишида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Маъқур ҳужжат Президентимизнинг суд ҳокимияти фаолиятини янада такомиллаштириш, банк хизматлари оммабоплигини оширишга қаратилган қарорлари ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида"ги Қонуни талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган. Унга кўра, бир қатор қонун ҳужжатларига жаримани ихтиёрий тўлаш муددатини 30 кун этиб (амалдаги тах-

рирда 15 кун) белгилашни, шунингдек, жарима солиш тўғрисидаги қарорни ихро этишининг соддаштирилган тартибин назарда тутадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Бундан ташқари, қонунда Ҳисоб палатаси аъзоларининг сиёсий партияларга аъзолигини чеклаш ҳам назарда тутилган. Бу эса, ўз навбатида, ушбу нуфузли назорат тузилмаси аъзоларининг ўз ишга ҳолис ёндашувини таъминлайди.

Шунингдек, қонунчиликда Ҳисоб палатаси раисини Конституциявий судда кўриб чиқиш учун масалалар киритиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасига киритиш бўйича нормалар ҳам белгиланмоқда.

### Гаага конференцияси Устави ратификация қилинади

Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси мажлисида "Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференцияси Устави" (Гаага, 1951 йил 31 октябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун муҳокама қилинган бўлди.

Маълумот учун: Гаага

конференцияси нуфузли халқаро ҳукуматлараро ташкилот ҳисобланиб, унинг асосий мақсади аъзо давлатларга халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини босқичма-босқич унификация қилишга кўмаклашишдан иборатдир. Ҳозирги кунда ташкилотга 82 та мамлакат аъзо.

## «Халқ сўзи» учун махсус

### Ўзбекистон — БМТ доирасидаги муҳим халқаро ташаббуслар ижодкори

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирганининг 28 йиллиги арафасида "Дунё" АА муҳбири мамлакатимизнинг БМТдаги доимий вакили Бахтиёр Иброҳимов билан сўхбатлашди. Ваколатхонамиз раҳбари мулоқот чоғида халқаро ташкилот билан ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва истиқболлари ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб, халқаро ҳамжамият билан тенг ҳуқуқли, суверен ҳамкорлик олиб бориш йўлидан бормоқда, — деди Б. Иброҳимов. — Қисқа тарихий давр мобайнида мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга давлатлардан бирига айланди.

**Пахта ва ғалла етиштиришга давлат буюртмасини бекор қилиб, ушбу маҳсулотларни бозор тамойиллари асосида харид қилиш тизимига босқичма-босқич ўтказиш. Агар бу йўлдан бормасак, фермер ва деҳқонларимиз маҳсулот етиштиришда эркин бўлмайдилар, улар ўзлари кутганликдек манфаат кўрмайдилар, ҳокимларнинг эса иш услуби ўзгармайдилар.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан.

## Бизнинг интервью

# КЛАСТЕР — инновацион иқтисодиётни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини саноатлаштиришда етакчи куч

Ўзбекистонда амалга оширилаётган шиддатли ислохотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётнинг энг муҳим соҳаларида бири — қишлоқ хўжалиги ҳам янгиланмоқда. Бу жараёнда аграр жабҳа ва у билан бевосита боғлиқ бўлган тармоқлар истиқболли турари. Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёев гоёси билан дастлаб пахта-тўқимачилик кластерларига асос солинган бўлса, эндиликда у мева-сабзавотчилик, чорвачилик, ғаллачилик ҳам татбиқ қилинмоқда.

Ҳўш, кластерлар афзалликлари нималарда намоён бўлапти? У қишлоқ хўжалигида қандай муваффақиятларга йўл очаётир?

Видеоселектор йиғилиши ўтказилгани ушбу тузилмага бўлган эътибор қанчалик юксак эканлигини далolat беради. Мазкур йўналишда дастлабки натижаларга эга инвестор сифатида айтинг-чи, кластерлар қишлоқ хўжалигида қандай сифат ўзгаришларига замин яратмоқда?

Мамлакатимиздаги биринчи пахта-тўқимачилик кластери таъсисчиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, сена-тор Муртазо РАҲМАТОВ билан шу мавзуда сўхбат уюштирдик. — **Давлатимиз раҳбари раислигида февраль ойининг биринчи ярмида кластерлар фаолиятини такомиллаштириш масаласига бағишлаб икки марта**

— Янги Ўзбекистон ўз олдига инновацион иқтисодиётга ўтиш, аиникса, рақамли иқтисодиётни шакллантиришни устувор вазифалардан бири этиб қўйган экан, бу мақсадга эришишни кластер усулисиз тасаввур қилиб бўлмайди.



4





# КЛАСТЕР –

# ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ САНОАТЛАШТИРИШДА ЕТАКЧИ КУЧ



Улар бугунги замон талабларига тўлиқ жавоб беради. Чунки қишлоқ меҳнатқашлари ҳам бундай вазиятда рисоладагидек ҳордиқ чиқариши, ишига яраша ҳақ олиши керак. 3 500 нафардан зиёд кишилар доимий иш билан таъминланган. Бу фермерлик пайтидагидан 4 баробар кўп бўлиб, улар мавсумий эмас, балки йил давомида ишлаб, ўртача 2,1 миллион сўмдан маош оляпти.

— Бироқ кейинги пайтда кластер тизими ҳақида салбий фикрлар ҳам қўлоққа чалинмоқда. Англаган бўлсангиз, бу ерда гап фермер хўжалиқларига ўтган йилги етиштирилган пахта ҳосили бўйича ҳисоб-китобнинг пайсалга солинаётгани ҳақида кетмоқда. Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши яқинда тарқатган тезкор маълумотларга кўра, пахтачилик кластерларининг фермер хўжалиқларидан умумий қарздорлиги 897,8 миллиард сўмни ташкил этибди. Бу каби ҳолатларга йўл қўймаслик, кластерларнинг самарали фаолият юритиши учун қандай йўл тутган маъқул?

— Кластер ҳақида фикр билдиришдан олдин унинг қандай тузилма эканлигини яхши англаб олиш керак. “Кластер” сўзи инглизчадан ўғирилганда “тўплам” деган маънони билдиради. Иқтисодийётда у бирор маҳсулотни ишлаб чиқариш учун бир неча мураккаб компаниялардан иштирокчи равишда тузилган бирлашмага нисбатан айтилади. Шу жиҳатдан пахта-тўқимачилик кластерлари пахта етиштиришдан тортиб, толани чуқур қайта ишлашгача бўлган беш босқичли жараёни қамраб олган, худдики, беш бармоқ йиғилиб, бир мушт бўлгани сингари улар ҳам ягона ишлаб чиқариш занжирига бирлашган сановат маҳмутига айланиши керак. Яъни биринчи босқичда пахта хом ашёси етиштирилса, иккинчи босқичда пахта ва чигитни дастлабки қайта ишлаш, учинчи босқичда калава ип ишлаб чиқариш, тўртинчи босқичда мато тўқиш, бешинчи босқичда эса тайёр маҳсулотлар тайёрлаш каби узвийлик таъминланиши ўта муҳим. Биз айтиш шундай сановат занжирини яратиш учун 2017 — 2019 йиллар давомида жами 85,4 миллион АҚШ доллари миқдоринда инвестиция жалб қилдик.

Иш самарадорлигини ошириш учун даставвал бозор нархида сотиб олинган Ромитан туманидаги пахта тозалаш заводи техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилинди. Натижада 2018 йилдан эътиборан пахта ҳосили шу ернинг ўзиде бирламчи қайта ишлана бошланди. Жумладан, 2019 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, ўтган йилги ҳосилнинг қарийб 8 500 тоннаси қайта ишлаб бўлинди. Унинг чигитидан ёғ олинаётган бўлса, тола “BCT Cluster”нинг Бухоро шаҳридаги тўқимачилик комбинатида пешма-пеш жўнатилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакики, қиймати 62,6 миллион АҚШ доллари кластернинг маъмуриятини қамраб олувчи инновацион лойиҳаси занжирли ишлаб чиқаришнинг энг муҳим ҳалқаси ҳисобланади. Нега деганда, бу ерда тола чуқур қайта ишланиб, тайёр маҳсулотларга айлантирилади. Шу тарихи қўшимча қиймат яратилади.

Комбинат ўзиде йиғирув, бўяш, тўқимачилик, матога ишлов бериш, тикувчилик фабрикаларини бирлаштирган. Улар Германия, АҚШ, Жанубий Корея, Швейцария, Бельгия, Япония сингари давлатларнинг дунёда етакчи компанияларида эришиб бўлмаслиги ойдинлашади. Фойдани қўшимча қиймат яратган субъектга кўраверади.

Аслида, кластерда пахтани қабул қилиб олиш билан иш битмайди. Пахта-тўқимачиликда энг машаққатли ва серҳаражат иш хом ашё етиштириш ҳисобланади. Аммо даромади кам. Асосий қиймат якуни босқичда яратилади. Шунинг учун кластер усулида олинган фойда фақатгина қайта ишловчилар ўртасида эмас, балки пахта етиштирувчи деҳқонлар ўртасида ҳам тенг тақсимланиши керак, деган тамойилга асосланади. Биз амалда бунга эришаётганимизни алоҳида таъкидлашни истардим.

Гап шундаки, Ўзбекистон заминиде етиштирилган пахта толасидан, шу ернинг ўзиде “Деним классик” ва “Деним стрейч” матоларини тўқиш, ўз навбатида, ундан тайёр маҳсулот чиқаришга муваффақ бўлди. Тикувчилик фабрикасида йилга ўртача 1,5 миллионга импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган эркаклар жинси шими тикиляпти. Ишонасизми, битта шими тайёр бўлиши учун 17 нафар тикувчининг қўлидан ўтади. Аммо бу билан иш битмайди. Уларга энг сўнгги технологиялар асосида ишлов берилиб, буюртмачи хоҳлаган услубда жипланади...

Хозирча жинсининг 16 хил ранги, ўз навбатида, ҳар бир рангининг ўндан ортиқ тусларидан юзлаб моделдаги қийимлар тайёрланадими. Бу ишларнинг барчасини — калава ип йиғириш, мато тўқиш, би-

лов берилди ва қийим-кечаклар тикилади. Қисқача айтганда, “BCT Cluster” пахта-тўқимачилик кластерида жaxon бозор-

чиш-тикишгача ўзимизнинг маҳаллий кадрлар бажаришяпти. Улар жaxonда етакчи бўлган бренд фабрикаларда ишлаб,

йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этиш, уни жaxon стандартлари даражасида ривожлантириш, етиштирилган хом ашёни ўзимизда қайта ишлаб, қўшимча қийматни шу ерда яратиш, экспорт салоҳиятини ошириш, пировардида одамларнинг тўқ ва фаровон яшашини таъминлашдир. Бинобарин, бунга маҳсулот етиштирувчилар, уни чуқур қайта ишловчилар ва сотувчилар манфаати муштарақлигини таъминлаш, содда қилиб айтганда, яратилган қўшимча қийматни адолатли тақсимлаш орқали соҳада сифат ўзгаришларини таъминлаш мумкин. Табиийки, бу вазифани кластер занжирини ҳал қилади.

Модомики, гап йўналиши молиялаштиришга бурилган экан, кредит ажратишга унинг фойизи ва қайтариш мuddатини белгилашда пахта-тўқимачилик тармоғининг ўзига хос жиҳатлари, албатта, инобатга олиниши зарур. Негаки, у юқори рентабелга ёки тикилган сармоя тез қайтадиган тармок эмас. Тасаввур қилишингиз учун батафсил тўхталамиз: чигит экишдан бошлаб, ҳосилни йиғиштириб олишга 11 ой, унинг толасини ажратишга 4 ой, чуқур қайта ишлашга 5 ой, тайёр маҳсулот кўринишига 5 ойга келтиришга 2 ой, сотиш учун 2 — 10 ой вақт сарфланади. Шу ҳисобда, пахтачиликка йўналтирилган инвестиция ўртача 2-3 йилда қайта бошлайди. Агар пахта етиштириш учун берилаётган кредитларнинг қайтариш мuddати 3 йилгача қилинса, кластерлардаги ҳисоб-китобларда дуч келиши мумкин бўлган муаммо ўз-ўзидан ҳал этилади.

Президентимиз 4 февраль кунини қишлоқ хўжалигида кластерлар фаолиятини янада ривожлантириш масалалари бўйича ўтказган йиғилишида пахта етиштиришнинг амалдаги тизими кластерлар билан ишлашга мослашмаганини алоҳида таъкидлади. Кластерлар ва фермерларни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш бўйича топшириқлар берди. Ушбу вазифалар ижроси молиялаштиришдаги масалаларга узил-кесил нуқта қўяди, албатта.

— 2023 йилгача қишлоқ хўжалиги экинлари, хусусан, пахта бўйича давлат буюртмаси бекор қилиниб, маҳсулотларни бозор таъминоти асосида харид қилиш тизимига босқичма-босқич ўтиш борасида амалий ишларга киришилмоқда. Бу кластерлар фаолиятига қандай таъсир кўрсатади? Унинг келажакдаги ролини нималарда кўрасиз?

— Албатта, ижобий. Бундан кластер ҳам, фермер ҳам, давлат ҳам ютади. Нега? Негаки, инвестор маблағ тижар экан, энг аввало, сифатли ва кўпроқ маҳсулот олиниши, шунга яраша фойда қўришни кўзлайди. Бизнесга аралашши эса самарасиз эканлигини ҳамма тушуниб етган. Шу боис бугунги кунда давлат томонидан тадбиркорларга ниманки шароит зарур бўлса, ҳаммаси муҳайё қилиб берилмоқда. Аммо қишлоқ хўжалигида режа белгилаш ва унинг ижроси устидан назорат олиб борилаётгани иш унумига путур етказмаётган эди.

Давлат режаси бекор қилиниши рақамлар оқрасидан қувишга барҳам беради. Мақсад режага эмас, балки пировард натижага, яъни сифат ва самара, киритилмаган инвестиция, яратилмаган янги иш жойлари, ишчи-ҳодимларга тўланадиган иш ҳақи, солиқ ва экспортга қаратилади. Бу эса барча бунда чин дилдан меҳнат қилишга ундайди.

Президентимиз томонидан қишлоқларни обод қилиш, уларни шаҳарларга айлантириш, аҳоли яшаш шaroитини яхшилаш бўйича қўллаб-қувватлаш белгилаб берилган. “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари ҳам ана шу эзгу мақсадга қаратилган.

Аслида, “Обод қишлоқ” дастури доирасидаги бунёдкорлик ишларини кластерлар амалга ошириши керак. Чунки улар бундан бевосита манфаатдор. Сабаби, Ўзбекистонда суғориладиган ерлар нийҳатда чекланган. Агар биз туман марказлари атрофида йўлдош шаҳарчалар барпо этиб, 5, 7 ва 9 қаватли уйлар курсак, аввало, аҳолини уй-ҳойи би-

лан таъминлаш масаласи ҳал этилади, қолверса, экин майдонлари кенгайиб, экспортбоқ маҳсулот етиштириш ҳажми ортади.

Кўп қаватли уйларни шунчаки қуриб бўлмайди. Бунда миллий менталитетимиз, ўзбекиона ҳаёт тарзи, албатта, инобатга олиниши зарур. Оиладаги болалар сони ва ёшига қараб, “хонадон ичиде хонадон” тамойили бўйича қўшимча шароит яратиш мумкин. Масалан, ҳар бир хонадонини икки қаватли майдонга жойлаштириб, биринчи қаватда меҳмонхона, ошхона ва ювенил хоналари бўлса, иккинчи қаватни ётоқхоналар учун ажратилади. Ховлидагидан қолишмайдиған шарт-шaroитга эга уйларида бемалол меҳмон кутуши, келин тушириш мумкин. Уларда яшаш учун аҳоли ўз хоҳиши билан келишига эса шубҳам йўқ.

Масаланин яна бир жиҳати бор. Биласиз, қишлоқларимиз жуда катта худудни эгаллаган. Уларнинг ҳозирги жойлашувига кўра, шаҳардаги шароитни қилиб бериш имконсиз. Тўлиқ газлаштириш, электрлаштириш, канализацияга улаш жуда катта маблағ талаб этади.

— Аҳоли яшаш пунктлари туманлар маркази атрофида жойлаштирилса-чи? 170 та туман ва 30 та шаҳар атрофида мегаполислар пайдо бўлади. Барча қишлоқлар аҳолиси туманлар атрофида жипслашиб, урбанизация, шаҳарлашиш жараёнига тезлашади. Коммуникациядан узоқ, ҳеч бир режасиз, пала-партиши ва ўз ҳолча қўрилган қўримсиз қишлоқлар қолмайди. Ана шунда худди чет эллардаги сингари бир шаҳардан иккинчи шаҳарга ўтилади. Фарзандларимизни боғчага, мактабга, спортга қамраб олиш даражаси кенгайди. Марказлашган коммуникация тармоқларига уланиб, табиий газ, электр энергияси, тоза ичимлик суви таъминотида муаммо бўлмайди. Кластерлар келажакдаги ижросидаги фаолияти, ҳар жабҳада ташаббускор бўлишида кўраман.

Қисқаси, ҳали олдимизда улкан ва зифалар турибди. 2025 йилгача мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажмини 100 миллиард доллар, йиллик экспортни 30 миллиард долларга етказиш учун ишчи энг асосийсидир. Бунга эришиш учун қишлоқ хўжалиги салоҳияти ва имкониятидан унумли фойдаланиш, уни сановатлаштириш зарур. Хусусан, пахтачилик тармоғи қанчалик сановатлашса, давлатнинг иқтисодий ва экспорт салоҳияти шунчалик ортади, халқнинг ҳаёт даражаси оқсаллади. Бунинг энг мақбул ва самарали йўли, албатта, кластер усули эканлигини халқаро тажриба ҳам, юртимиздаги дастлабки натижалар ҳам тасдиқлаб турибди. Зотан, кластер илм-фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, амалиётга янги инновацион технологияларни қўриш этиш орқали рақобатдош иқтисодий етиштиришдан бевосита манфаатдордир.

Шу ўринда таъкидламоқчиманки, Президентимиз пахтани етиштиришдан тортиб, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган босқичларни ўз ичига қамраб олган кластер усулига биз Ўзбекистон пахтачиликнинг келажак сифатида қарамоқдамиз, дея катта ишонч билдириди. Биз пахта-тўқимачилик кластерининг қалдирғочи сифатида ана шу ишончини оқлаш учун амалиётда йирик инновацион лойиҳаларни татбиқ этиб, қишлоқларни обод, одамлар турмушини фаровон қилишга ҳаракат қиламиз.

Саид РАҲМОНОВ (Халқ сўзи) суҳбатлашди.

Ҳасан ПАЙДОЕВ (Халқ сўзи) ва Искандар АШИРОВ олган суратлар.

## ←1

Негаки, кластер назарияси муҳим маркетинг стратегияси шаклида давлат ва унинг худудларини сановатлаштириш, ишлаб чиқариш корхоналарининг рақобатдошлигини таъминловчи гоя сифатида пайдо бўлган. Шунинг учун бу усул айти пайтда дунёнинг кўплаб давлатларида кенг қўлланилади. Масалан, кластер тузилмалари энгил сановатда Швейцария, Австрия, Италия, Дания, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Покистон, Хитой ва Туркияда, кимё ҳамда машинасозлик сановатида Германияда, озик-овқат, косметика сановатида Францияда муваффақиятли фаолият юритмоқда. Кластер усулини қўллаш кейинги пайтда Жануби-Шарқий Осиё, Хитой, Сингапур, Японияда кенгайиб буюпти. Ўзбекистон ҳам улар сафидан мустақкам жой эгаллаётгани диққатга сазовор. Бундай дейишимизнинг боиси кластерлар қисқа вақт ичиде пахтачиликда асосий кучга айланди. 2019 йилги мавсум якунлари бунга яққол кўрсатиб турибди.

Гап шундаки, ўтган йили пахта ҳосилининг 73 фоизи мамлакатимизда фаолият юритаётган 73 та пахта-тўқимачилик кластери ҳиссасига тўғри келди. Ўртача ҳосилдорлик кластер бўлмаган ерлардагига нисбатан 4,1 центнер юқори бўлиб, қўшимча 428 минг тонна сановатбоқ пахта хом ашёси олинган. Энг асосийси, кластер усули жорий қилинган 40 та туманда охириги 40 йил ичиде илк бор қишлоқ хўжалиги техникалари янгилашиб, сўнгги 10 йилдаги энг юқори ҳосилдорликка эришилди.

Бизнинг Бухоро вилоятидаги “BCT Cluster” пахта-тўқимачилик кластери соҳадаги қалдирғоч маҳмути ҳисобланади. У Президентимизнинг 2017 йил 19 майдаги “Бухоро вилоятида замонавий пахта-тўқимачилик кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан тузилган бўлиб, пахта етиштиришдан тортиб, у тайёр маҳсулот ҳолига келгунича бўлган барча ишлаб чиқариш занжирини ўзиде тўлиқ жамлади.

Кластер эҳтиёжи учун зарур миқдордаги пахта хом ашёси тизимнинг ўзиде, аниқроғи, Ромитан туманидаги “BCT Cluster Agrokompleks” масуулияти чекланган жамияти томонидан етиштирилади. Хусусан, ўтган мавсумда 8 000 гектар экин майдониде гўза парваришланиб, гектаридан ўртача 32,5 центнердан ҳосил олинди. Жами 26 минг тонна юқори навли пахта етиштирилди. Бунинг асосий омилли нимада, десангиз, энг аввало, ишга бўлган муносабат ўзгаргани, меҳнат қилиш учун муносиб шарт-шaroитлар яратиб берилганида, деб айтаман. Мисол учун, кластерга тегишли машина-трактор паркда 400 дан ортиқ замонавий қишлоқ хўжалиги техника ва механизмлари мавжуд. Уларнинг хариди учун 4,5 миллион евро ва 14,4 миллиард сўм миқдориде маблағ сарфланди.

— Кластер биз учун янгилик бўлгани боис қонунчилигимизда ҳали унинг ҳуқуқий асоси яратилмаган. Шунинг учун ҳамма жойда ҳар хил талқин қилинмоқда. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида қишлоқ хўжалигидаги ислохотларимизнинг ҳуқуқий асоси бўлган “Кооперация ва кластерлар тўғрисида”ги янги қонунни тезроқ қабул қилиш бўйича топшириқ берди. Уйлайманки, ушбу ҳужжатда ҳамма жиҳатларга ойдинлик киритилади.

Ишчилар учун эса ўзиде барча шарт-шaroитни мужассам қилган икки қаватли дала шийпони бунёд этилган. Бу ерда эркаклар ва аёллар учун мўлжалланган ҳар бири 100 ўринли ётоқхона, ювенил хоналаридан ташқил, яна мажлислар зали, кутубхона, бир пайтда 150 кишини қабул қила оладиган ошхона ташкил этилган.

**Тожикистон Республикаси фуқаролари диққатига!**

2020 йил 1 март кунин Тожикистон Республикаси Мажлиси намояндагон Мажлиси Оли депутатлари сайлови бўлиб ўтади.

Тошкент шаҳридаги Тожикистоннинг Ўзбекистондаги элчихонасида Душанбе шаҳри, Шохмансур тумани 3-сайлов округининг сайлов участкаси ташкил қилинган. Фуқаролар 2020 йил 1 март кунин соат 8.00 дан 20.00 гача ушбу сайлов участкасида овоз бериш орқали ўз сайлов ҳуқуқларидан фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистоннинг вилоят марказларида мuddатидан олдин овоз бериш ва овоз беришни ташкил этиш учун аризалар кўйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: 71-215-67-75.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яқсарой тумани, Абдулла Қаҳҳор, 6-тор кўчаси, 61-уй.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси жамоаси Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси Эсанбой Ражабова турмуш ўртоғи Фароғат ШОДМОНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Сул-хуққ масалалари ва коррумпация қўришиш қўмитаси Қўмита аъзоси Матлуба Ганиевага турмуш ўртоғи Зафарбек НУРМАТОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазириги, Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси ҳамда Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси Ўзбекистонда хизмат қўрган артист **Ғайбулла ХОЖИЕВИН**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

**Халқ сўзи Народное слово**

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 64 208 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетанин ҳақида маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўлабмақал тахрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термал ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанин полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масулу. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — О. Файзиёв.  
Мусаҳҳаб — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буоқ Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 01.50 Топширилди — 03.00 1 2 3 4 5 6